

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2022 йил июль ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,  
судья Т.Туракуловнинг раислигида,  
судья ёрдамчиси Ш.Номаматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи Р.Жуманазаров ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат Т.Файзиев ҳамда жабрланувчи А.Акрамовнинг иштирокида, Жуманазаров Рустамжон Махмуд ўғлига оид 1-1007-2204/530-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

**Жуманазаров Рустамжон Махмуд ўғли (Jumanazarov Rustamjon Maxmud o'g'li)**, 1993 йил 18 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, бўйдоқ, уста кулол, давлат мукофотлари олмаган, ногиронлиги йўқ, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси 22-даҳа, 5-уй, 72-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Р.Жуманазаров 2022 йил 25 апрель куни соат 17:00ларда, ўзининг бошқарувида бўлган “Спарк” русумли давлат рақами 01 R 883 KB бўлган автомашинани керакли ҳужжатлар асосида бошқариб, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси бўйлаб, КХАЙ кўчаси томонидан Фарҳод кўчаси томонига ҳаракатланиб келиб, ушбу кўчада жойлашган 28-уйнинг қаршисига келган вақтида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди 11-банди “г” қисми, 109-банди ва 110-банди талабларини бузиб, яъни “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “тарнспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, “тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёдани ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириш ёки тўхташи шарт” ва “Агар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи олдида транспорт воситаси



ҳаракатини секинлаштира ёки тўхтатса, кўшни бўлакларда ҳаракатланаётган бошқа ҳайдовчилар бу транспорт воситаси олдида пиёда йўқлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина ҳаракатланишни давом эттиришлари мумкин” деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан ҳаракатланиб, ўзига нисбатан йўналиши бўйлаб чапдан ўнг томонга, тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш йўлагидан ўтаётган пиёда А.Акрамовни уриб юборган.

Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида пиёда А.Акрамов тан жароҳати олиб Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасига мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 10 май кунги 3644-Ҳ-Раж. сонли хулосасига кўра, А.Акрамовга – бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, ўнг болдир суякларини юқори учлигидан силжиб синиши, юз, бел, қўл ва оёқлар кўплаб шилинмалари, бошнинг энса ва бел сохалари юмшоқ тўқималарини лат ейиши каби тан жароҳатлари етказилган бўлиб, бу жароҳатлар соғлигини узоқ муддатга, яъни 21 кундан кўп бўлган муддатда бузилишига олиб келиши, шу белгисига асосан оғирлик даражасига кўра “оғир” тан жароҳатларига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Р.Жуманазаров суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у 2022 йил 25 апрель куни соат 17:00 ларда ўзига тегишли бўлган “Спарк” русумли, давлат белгиси 01 R 883 KB бўлган автомашинасини Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси бўйлаб, КХАЙ кўчаси томондан, Фарҳод кўчаси томонга, юксиз ва йўловчисиз йўл қатнов қисмининг чапдан биринчи йўл бўлагидан, тахминан 40-50 км/соат тезликда ҳаракатланиб келиб, ушбу кўчада жойлашган 28-уйнинг қаршисига келган вақтида, унга нисбатан олди томонида ҳаракатланиб кетаётган “Ласетти” русумли автомашина тезлигини камайтирганлиги сабабли уни ўнг томонидан айланиб ўтмоқчи бўлган вақтида уни рўпарасидан, унга кейинчалик маълум бўлишича жабрланувчи А.Акрамов тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойидан йўлни чапдан ўнг томонга қараб кесиб ўтганини, шу пайт у автомашинасининг тормозини босганини, лекин оралик масофа жуда қисқа бўлганлиги сабабли А.Акрамовни автомашинанинг олди қисми билан уриб юборганини, кейин у автомашинасини йўл четига тўхтатиб, А.Акрамовга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатмоқчи бўлган вақтида шу ердан ўтиб кетаётган тез тиббиё ёрдам ходимлари келиб, А.Акрамовга биринчи ёрдамни кўрсатиб, уни шифохонага олиб кетишганини, шунда у ҳам зудлик билан шифохонага етиб борганини, А.Акрамовга барча дори дармонларини олиб берганини, ҳар куни шифохонага бориб, А.Акрамовнинг холидан хабар олиб турганини, А.Акрамов шифохонада ётган вақтида ҳамма дори дармонларини олиб берганини, А.Акрамов ҳозирги кунда даво қилаётган 40.000.000 сўм пулларни тўлашга уни имконияти йўқлигини, уни қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканини, содир қилган жиноятининг оқибатини тушуниб етганини, уни оилавий ва моддий



шароитини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Судланувчи Р.Жуманазаров унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби сайёр суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг қуйидаги кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топади.

Сайёр суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи А.Акрамов, у 2022 йил 25 апрель куни соат 17:00 ларда ўз ишлари билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчасида жойлашган 28-уй қаршисидан кўчани кесиб ўтмоқчи бўлиб пиёдалар ўтиш йўлагининг олдига келганини, дастлаб чап томонидан келаётган автоуловларни ўтказиб юбориб, йўлни ўрта қисмига қадар ҳаракатланиб келганини, шу вақт ўнг томонидан ҳаракатланиб келаётган “Ласетти” русумли автомашинаси пиёдалар ўтиш жойига етмасдан тўхтаб унга йўл берганини, кейин у пиёдалар ўтиш жойидан йўлни кесиб ўтаётган вақтида йўлни иккинчи бўлагидан кейинчалик унга маълум бўлишича судланувчи Р.Жуманазаров ўзининг бошқарувида бўлган “Спарк” русумли давлат белгиси 01 R 883 КА бўлган автомашина келиб уни уриб юборганини, шунда у хушини йўқотганини, ўзига келиб, кўзини очганида шифохонада ётганини билганини, уни шифохонага ким олиб келганини билмаслигини, у шифохонада ётган вақтида Р.Жуманазаров ундан хабар олиб, дори дармонларини олиб берганини, лекин воқия содир бўлган кундан ҳозирги кунга қадар юра олмаслигини, уни оёғини аперация қилганини, уни оёққа туриб, юриб кетгунига қадар 40.000.000 сўм пул маблағи керак бўлишини, ушбу пулларни судланувчи Р.Жуманазаровдан ундириб беришни, судланувчи унга нисбатан ушбу пулларни берган тақдирда унга нисбатан даъво қилмаслигини, Р.Жуманазаров ҳозирги кунга қадар унга 7.000.000 сўмлик дори дармонларни олиб берганини, Р.Жуманазаров ушбу 40.000.000 сўм пулларни бермаган тақдирда унга нисбатан қонун доирасида жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Р.Жуманазаровнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, яъни жиноят иши ҳужжатларидаги йўл-транспорт ҳодисаси бўйича маълумотнома, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва унга илова қилинган фотожадвал, транспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш далолатномаси, суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 31 май кунги 3644-Ҳ-Раж. сонли хулосаси, судга оид суд транспорт-трассология



экспертизасининг 2022 йил 12 май кунги 6369-сонли хулосаси, тушунтириш хатлари ва жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Р.Жуманазаровнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қароридаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми “Транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши натижасида баданга оғир шикаст етказиш”да ифодаланган жиноят аломати билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбдорнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб суд, судланувчи Р.Жуманазаровга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси



Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 25-бандида назарда тутилган, яъни “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, Р.Жуманазаровни ўз айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, оилавий ва моддий шароитини, жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаганлигини ва жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ушбу модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 48-бандида “Судларга муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазони, тегишли асослар мавжуд бўлган ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу фаолият касб ёки тирикчилик манбаи бўлган шахсларга нисбатан (масалан, тадбиркорлик фаолияти, транспорт воситаларини бошқариш ва ҳоказо) қўллашнинг қанчалик мақсадга мувофиқлиги масаласини муҳокама қилиши тавсия этилсин” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, Р.Жуманазаров томонидан содир этилган жиноятнинг хусусиятини, оилавий шароити ва моддий аҳволини, у оиласини ягона боқувчиси эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо қўлламасликни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шу билан бир қаторда суд, жабрланувчи А.Акрамовга судланувчи Р.Жуманазаровнинг ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қолган қисмини ундириш масаласи юзасидан судланувчининг яшаш манзили бўйича фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтириб ўтади.



Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 459-460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛАДИ:**

**Жуманазаров Рустамжон Махмуд ўғли (Jumanazarov Rustamjon Mahmud o'g'li)**, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Жуманазаров Рустамжон Махмуд ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 15 (ўн беш) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазо муддати Р.Жуманазаров жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кунидан ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар Учтепа туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига юклатилсин.

Р.Жуманазаровга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Акрамовга судланувчи Р.Жуманазаровнинг ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қолган қисмини ундириш масаласи юзасидан судланувчининг яшаш манзили бўйича фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шу суд орқали шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**(имзо)**

**Т.Туракулов**

**Нусхаси аслига тўғри.**

